

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭРНАЗАРОВА ИРОДА ШАВКАТ ҚИЗИ

**МУАЛЛИФ СЎЗ ИЖОДКОРЛИГИНИНГ ЛИСОНИЙ-КОГНИТИВ
ТАҲЛИЛИ (ЭШҚОБИЛ ШУКУР ИЖОДИ МИСОЛИДА)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Эрназарова Ирода Шавкат қизи

Муаллиф сўз ижодкорлигининг лисоний-когнитив таҳлили (Эшқобил Шукур
ижоди мисолида) 3

Эрназарова Ирода Шавкат қизи

Лингвокогнитивный анализ авторского словообразование (на примере
творчество Эшқобил Шукур)..... 23

Ernazarova Iroda Shavkat қизи

The linguistic-cognitive analysis of the author's word creativity (on the example
of the poetry of Eshkobil Shukur's work)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭРНАЗАРОВА ИРОДА ШАВКАТ ҚИЗИ

**МУАЛЛИФ СЎЗ ИЖОДКОРЛИГИНИНГ ЛИСОНИЙ-КОГНИТИВ
ТАҲЛИЛИ (ЭШҚОБИЛ ШУКУР ИЖОДИ МИСОЛИДА)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.3.PhD/Fil1945 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзаев Ибодулла Камолович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Суюн Амирович
филология фанлари доктори, профессор

Ҳамидов Абдумалик Киринович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети


Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» сентябр кuni соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона).


Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (76 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40)

Диссертация автореферати 2022 йил «6» сентябр кuni тарқатилди.
(2022 йил «6» сентябр даги 57 рақамли реестр баённомаси).




М.К.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор


Д.Б.Хурсанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Д.Б.Уринбасов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшиқдаги
Илмий семинар раиси, филология
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ижодкорларнинг тилдан фойдаланиш маҳорати ижтимоий-фалсафий, бадий, лингвистик, лингвостилистик, лингвопоэтик ва когнитив жиҳатдан чуқур ўрганилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, сўз ижодкорлиги масаласини ҳам тилшуносликнинг замонавий йўналишлари асосида таҳлил этиш вазифасини қўяди. Шунга кўра, ижодкорнинг индивидуал лисоний фаолиятини умумфилологик, яъни тилшунослик ва адабиётшунослик аспектида таҳлил қилиш ҳамда муаллиф сўз ижодкорлигини ифодаловчи бирликларнинг лисоний-когнитив белгиларини текшириш, уларнинг концептуал таҳлилин аналга ошириш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардандир.

Дунё лингвистикаси тажрибаси шуни кўрсатадики, ижодкорларнинг сўз қўллаш маҳорати натижасида тил янги сўзлар билан бойиб боради. Айни пайтда муаллиф сўз ижодкорлигини ифодаловчи лисоний воситалар муаллифнинг тил ва тилшунослик қонуниятларидан хабардорлик даражасини, ижодий услубининг ўзига хос жиҳатларини ҳам кўрсатади. Шу туфайли муаллиф сўз ижодкорлиги бадий матн, хусусан, шеъриятда муҳим эстетик вазифа бажаради. Ижодкорнинг индивидуал маҳоратини намоён этадиган фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва бошқа лисоний воситаларга когнитив ёндашув, уларнинг қўлланилиш тамойилларини аниқлаш, шубҳасиз, жаҳон тилшунослиги олдида турган долзарб вазифалардан бири сифатида мавзуни ёритиш заруратини юзага келтиради.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигида ижодкор услуби, тилдан фойдаланиш маҳорати тадқиқ этилган кўп сонли изланишлар олиб борилди ҳамда уларда сўз ижодкорлиги ёзувчи ва шоирларнинг индивидуал услубини белгилаб берувчи муҳим омил деб қаралди. Бундай тадқиқотлар орқали ўзбек тилининг бой имкониятлари, муайян нозик қирралари очилади. Чунки ҳақиқий сўз ижодкори ўз она тилининг латофатини кўз-кўз қилади. Зотан, «Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар»¹. Бинобарин, ўзбек тилининг бой имкониятларини ўз ижодида акс эттирган сўз санъаткори Эшқобил Шукурнинг сўз қўллаш маҳоратини ўрганиш, лисоний-когнитив томонларини очиб бериш тилшунослигимизда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, шунингдек,

¹Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига Давлат тили макоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

2019 йил 4 октябрдаги ПҚ 4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида», 2020 йил 29 январдаги 40-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослиги мактабларининг етакчи вакилларидан Ф.Соссюр, Г.О.Винокур, Н.И.Фельдман, В.В.Виноградов, В.В.Лопатин, М.А.Бакина, А.Г.Лыков, В.Н.Виноградова, Л.И.Богданова¹ сингари олимлар муаллиф сўз ижодкорлигининг турли кўринишларига оид илк тадқиқотлар олиб боришган.

Рус тилшунослигида Э.Ханпира, О.А.Габинская, Р.Ю.Намитоква, Е.А.Земская, Г.Ревзина, Л.В.Зубова² каби тилшуносларнинг муаллиф сўз ижодкорлигини ўрганишлари натижасида А.С.Грибоедов, Ф.М.Достоевский, М.Ломоносов, А.С.Пушкин, М.Горкий каби сўз ижодкорларининг махсус муаллифлик сўзлари луғати яратилган ва уларнинг ижодида учрайдиган бундай бирликлар тил луғатини бойитувчи воситалар сифатида қаралган.

Тилшуносликда муаллиф сўз ижодкорлиги, унинг тилдан фойдаланиш маҳорати тадқиқотчилар томонидан турли аспектларда ўрганилганлиги кузатилади. Хусусан, ўзбек тилшунослигида маълум ижодкор тили ва услубидаги ўзига хосликларни тадқиқ этиш борасидаги ишларда Қ.Самадов, Б.Чориев, М.Йўлдошев, Р.Нормуродовларнинг;³ маълум ижодкор асарининг

¹Фердинанд дў Соссюр. Умумий тилшунослик курси. Француз тилидан И. Мирзаев таржимаси. / – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2016; Винокур Г.О. Маяковский – новатор языка. Москва, 1943; Фельдман Н.И. Окказиональные слова и лексикография // Вопросы языкознания. – 1957; Виноградов В.В. Стилистика теория поэтической речи. Поэтика. – Москва, 1969; Лопатин В.В. Проблемы нулевого словообразовательного аффикса // Учен. Зап. Ташкент.пед. ин-та. Актуальные проблемы русского словообразования. Ташкент, 1975; Бакина М.А. Новообразования в современной русской поэзии // Рус. Речь. 1975. № 2 ; Лыков А.Г. Современная русская лексикология русскоеокказиональное слово.– Москва: Наука, 1976; Виноградова В.Н. Словотворчество (И. Анненский, М. Волошин, И. Северянин) // Очерки истории языка русской поэзии XX века. Образные средства поэтического языка и их трансформация. – Москва: 1995; Богданова Л.И. Новые слова в аспекте взаимодействия языков и культур // Вестник Российского университета дружбы народов. Сер. Лингвистика, 2015. №2.

²Ханпира Эр. Окказиональное словообразование В.В. Маяковского (отыменные глаголы и причастия): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1956; Габинская О.А. Типология причины словотворчества. Воронеж: Воронежского ГУ, 1981; Намитоква Р.Ю. Авторские неологизмы как единицы словообразовательного гнезда // Актуальные проблемы словообразования. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982; Земская Е.А. Как рождаются слова. – Москва, 1963; Ревзина О.Г. Поэтика окказионального слова // Язык как творчество. – Москва, 1996; Зубова Л. В. Язык поэзии Марины Цветаевой. СПб., 1999.

³Самадов Қ. Ойбек – сўз санъаткори. – Тошкент: ЎзКП МКнинг бирлашган нашриёти, 1965; Шу муаллиф. Ойбек тили маҳоратининг баъзи масалалари: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Тошкент, 1967; Шу муаллиф. Ойбекнинг тил маҳорати. – Тошкент: Пед. Институти, 1981; Чориев Б. Ғулум шеърятини тили. –

лексик хусусиятлари тадқиқи ҳақида Т.Жумаев, З.Холманова, Ё.Саидов, А.Ибрагимов, С.Нормаматов, У.Тўраеваларнинг¹; лингвопоэтик тадқиққа доир ишларда И.Мирзаев, Н.Маҳмудов, Г.Муҳаммаджонова, Ш.Тошхўжаеваларнинг², шунингдек, тил услублари ва матн таҳлилининг назарий асосларига бағишланган тадқиқотларда С.Каримов, А.Маматов, М.Йўлдошев, Д.Худойбергеноваларнинг³ муаллиф сўз ижодкорлиги ва унинг бадий матн яратишдаги аҳамияти ҳақида жиддий мулоҳазалари илгари сурилган. Муаллиф сўз ижодкорлиги масаласини ўрганиш бўйича тажрибалар тўпланганига қарамай, сўз ижодкорлигини ва муаллифлик сўзларини лисоний-когнитив жиҳатдан таҳлил қилиш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган. Айтиш жоизки, объект сифатида танлаган маҳоратли ижодкор Эшқобил Шукурнинг сўз қўллаш маҳорати тилшуносликда махсус тадқиқ объекти этиб танланмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек тили луғавий ва грамматик бирликларининг функционал-прагматик ва когнитив-услубий таҳлили масалалари» йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади муаллиф неологизмларини сўз ясаши, таркибий-мазмуний ва функционал аспектларда ўрганиш ҳамда сўз ижодкорлигининг истиснододли ўзбек шоири Эшқобил Шукур идиостилини шакллантиришдаги ўрнини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент: Фан, 1990; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000.

¹Жумаев Т. Умар Боқий асарларининг лисоний хусусиятлари: филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997; Холманова З. "Шайбонийхон" дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадий асарлари лексикаси: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2001; Ибрагимов А. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи (“дево”, “мубаййин”, “аруз”): филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Нормаматов С. Абдулла Авлоний шеърининг лексикасининг маъновий-услубий хусусиятлари: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011; Тўраева У. Абдулла Орипов шеърининг лексикаси: филол. фан. бўйича фалс. ф. докт. ...дисс. автореф. – Қарши, 2020.

²Мирзаев И.К. Лингвопоэтика: юзага келиши, муаммо ва ечимлари // Лингвопоэтика, структур филология ва когнитив таълим маммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006; Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. – № 4; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90- йиллар бошлари ўзбек шеърининг лингвопоэтик тадқиқи: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Тошхўжаева Ш. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси: филол. фан. бўйича фалс. ф. докт...дисс. автореф. – Фарғона, 2017; Умирова С. Ўзбек шеърининг лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърининг мисолида): филол. фан. бўйича фалс. ф. докт. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2019; Ҳамидов А. Мурод Муҳаммад Дўст асарлари лингвопоэтикаси: филол. фан. бўйича фалс. ф. докт. ...дисс. автореф. – Қарши, 2020; Муқимова З. Ўткир Ҳошимов асарлари тилининг лингвопоэтик ва лингвомаданий хусусиятлари: филол. фан. бўйича фалс. ф. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2020.

³Каримов С. Ўзбек тилининг функционал стилистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010; Шу муаллиф. Ўзбек тилининг бадий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992; Маматов А. Ҳозирги замон ўзбек бадий тилида лексик ва фразеологик норма муммолари: Филол. фанлари. д-ри ... дис. – Тошкент, 1991; Йўлдошев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2009; Худайбергенова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2015.

идиолект ва идиостил тушунчаларининг умумий ҳам хусусий жиҳатларини кўрсатиб бериш;

муаллиф неологизмларининг янги сўз ҳосил қилишдаги ўрни ва уларнинг яратилиш сабабларини ўрганиш;

Эшқобил Шукур муаллиф неологизмларининг мавзуй гуруҳлари ва ясашиш усулларини аниқлаш;

Эшқобил Шукур муаллифлик сўзларининг генезисини асослаш;

Эшқобил Шукурнинг “Бобо сўз изидан” асаридаги сўз этимологиясига доир ижодий тадқиқотларида ижодкор маҳоратини ёритиш;

этимологик изланишларни муаллиф сўз ижодкорлигининг ўзига хос кўриниши ўлароқ далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Эшқобил Шукурнинг “Сочлари сумбул-сумбул”, “Яшил қушлар”, “Ҳамал айвони”, “Кўз юмиб кўрганларим” шеърӣ тўпламлари ва “Бобо сўз изидан” номли лисоний-этимологик тадқиқотидаги муаллиф сўз ижодкорлигини ифодаловчи лисоний бирликлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети Эшқобил Шукур идиостилини шакллантирган идиолектларнинг лисоний-когнитив таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ушбу диссертация иши тадқиқотида таркибий-мазмунӣ, луғавий-вазифавӣ, этимологик-статистик, когнитив-семантик, концептуал-деривацион, стилистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмӣ янгилиги қуйидагилардан иборат:

тилшуносликда сўз ижодкорлиги масаласи тил ва нутқ диалектикасини, нутқнинг хусусийлик, ўзгарувчанлик каби белгиларини фарқлашдан бошлангани аниқланган;

Эшқобил Шукур услубининг шаклланишига содда ва қўшма сўз кўринишидаги *сўзбоз*, *ватанбоз*, *миллатхўр*, *соҳибкамол*, *мураккабдил*, *қуйсулув* каби ижодий-индивидуал ясалмалар туртки бўлганлиги аниқланиб, уларнинг олам лисоний тасвирини яратишдаги когнитив-концептуал моҳияти очиб берилган;

шоир услубини шакллантирган ижодий ясалмаларнинг пайдо бўлишига қофия талаби, фикрга алоҳида эътиборни қаратиш, янги тушунча ифодалаш эҳтиёжи каби жиҳатлар сабаб бўлганлиги, сўз ижодкорлигининг муаллиф поэтик салоҳияти, лисоний-мантиқий фикрлаш даражаси, олам ва одамнинг ўзаро муносабати ҳақидаги тасаввурларини ифодалаш қобилияти билан боғлиқлиги очиб берилган;

сўз ижодкорлигининг асослари лисоний-поэтик изланиш, сўзнинг лексик, грамматик, стилистик маънолари тарихи ва тараққиёт омиллари эканлиги исботланиб, янги сўз ясаш, сўзларни янги маънода қўллаш ҳамда сўзлар этимологиясини аниқлаш кабилар тилни бойитишга хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалӣ натижаси қуйидагилардан иборат:

бадий ижодда муаллиф сўз ижодкорлигини ифодаловчи бирликларни когнитив таҳлил қилиш бўйича тўпланган материаллар, тадқиқот натижасида чиқарилган хулоса ва умумлашмаларнинг лингвопоэтика, когнитив

тилшунослик, психоллингвистика, прагмаллингвистика, социоллингвистика фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ижодкорларнинг идиостилини шакллантирувчи идиолектларни лисоний таҳлил қилиш орқали лингвопоэтика, стилистика, прагмаллингвистика каби фанлар учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши ҳамда бу фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига, муаллифлик луғатларини яратишда хизмат қилиши асосланган;

муаллиф сўз ижодкорлигини сўз ясалиши, услубий, вазифавий ва семантик жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида чиқарилган хулосалар ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши ва янги назарий ҳамда амалий курсларнинг ташкил этилишида манба бўлиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги келтирилган илмий хулосаларни чиқаришда аниқ илмий манбаларга ва муайян лингвистик методларга таянилгани, асосланган илмий хулосаларни амалиётга қўллаш имконияти мавжудлиги, тадқиқот мавзусининг энг сўнгги илмий изланишларга доир қарашлар билан бойитилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Муаллиф сўз ижодкорлиги масаласи тадқиқида янги ёндашувлар, метод ва усуллар таклиф қилинганлиги, шоир идиостилининг сўз ясалиши аспектида ўрганилгани ишнинг амалий аҳамиятини ташкил қилади.

Диссертация материаллари ва хулосалари тилшуносликка доир дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, услубий кўрсатма ҳамда монографиялар тайёрлашда; олий ўқув юр்தларининг “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” таълим йўналишида “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Матннинг филологик таҳлили”, “Таҳлилий ўқиш” каби фанлардан маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтказишда амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муаллиф сўз ижодкорлигининг лисоний-когнитив таҳлили натижасида қўлга киритилган назарий ва амалий натижалар:

тилшуносликда сўз ижодкорлиги масаласи тил ва нутқ диалектичасини, нутқнинг хусусийлик, ўзгарувчанлик каби белгиларини фарқлашдан бошланганлигига оид хулосалардан ФА-Ф1-ГООЗ рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 6 сентябрдаги 17-01/234-сон далолатномаси). Натижада, тилни лингвомаданий, когнитив, социоллингвистик ва психоллингвистик каби замонавий йўналишларда тадқиқ этиш самарадорлиги ошган.

Эшқобил Шукур услубининг шаклланишига содда ва қўшма сўз кўринишидаги ижодий-индивидуал ясалмалар туртки бўлганлиги аниқланиб, уларнинг олам лисоний тасвирини яратишдаги когнитив-концептуал моҳиятини ўрганишга доир тўхтамлардан ФА-Ф-1-005-рақамли “Қорақалпоқ

фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 10 сентябрдаги 17-01/272-сон далолатномаси). Натижада, тадқиқот натижаларини амалий қўллаш лойиҳа доирасида тайёрланган илмий мақолалар, монографиялар ҳамда фольклор асарларнинг тил хусусиятларини ўрганишга қаратилган изланишларнинг илмий савиясини оширишга хизмат қилган.

шоир услубини шакллантирган ижодий ясалмаларнинг пайдо бўлишига қофия талаби, фикрга алоҳида эътиборни қаратиш, янги тушунча ифодалаш эҳтиёжи каби жиҳатлар сабаб бўлгани, сўз ижодкорлигининг муаллиф поэтик салоҳияти, лисоний-мантикий фикрлаш даражаси, олам ва одамнинг ўзаро муносабати ҳақидаги тасаввурларини тасвирлаш қобилияти билан боғлиқлиги бўйича ишлаб чиқилган тавсиялардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Онажоним шеърят” тўғараги фаолиятини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 13 сентябрдаги 01-03/1074-сон маълумотномаси). Натижада, тўғарак аъзоларини ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган устоз ижодкор Эшқобил Шукур ижоди ҳақида янги маълумотлар топишга илҳомлантирган ва уларнинг тасаввурларини бойитган.

сўз ижодкорлигининг асослари лисоний-поэтик изланиш, сўзнинг лексик, грамматик, стилистик маънолари тарихи ва тараққиёт омиллари эканлиги исботланиб, янги сўз ясаш, сўзларни янги маънода қўллаш ҳамда сўзлар этимологиясини аниқлаш кабилар тилни бойитишга хизмат қилишига доир хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалининг “Бугуннинг гапи”, “Бобосўз” кўрсатувларининг бир қатор сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 13 сентябрдаги 01-16/168–сон маълумотномаси). Оқибатда, Эшқобил Шукурнинг “Бобо сўз изидан” асарида келтирилган ўзига хос халқона сўз, мақол, маталларнинг семантик жиҳатлари омма эътиборига ҳавола этилиб, кенг истифода этилишига йўналтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 3 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан, 3 таси хорижий ҳамда 5 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган. Диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаллиф сўз ижодкорлигининг концептуал таҳлили”** деб номланган биринчи боби илк фаслида **“Сўз ижодкорлиги ҳақида умумий маълумот”** берилган. Бадиий матнда янги сўзнинг функционал-эстетик белгиланиши нисбатан коммуникатив-когнитив ёндашувда матнни ташкил қилувчи ономасиологик, когнитив ва сўз ясалишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Маълумки, тил муаллифнинг ижодий индивидуаллиги намоён бўлишига хизмат қилувчи воситадир. Бу эса, ўз навбатида, ижодкордан тилдан фойдаланишда, индивидуал янги сўз ҳосил қилишда, сўзга янги маънолар юклашда улкан масъулият талаб қилади. Ижод тушунчасининг моҳияти, ижод билан шуғулланувчи шахс олдида турган вазифалар, ўлчов ва мезонлари қандай бўлиши лозимлиги тўғрисидаги саволлар қадимдан муҳим масалалар ҳисобланган. Ҳазрат Алишер Навоий наздида ижодкор фаолияти қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлмоғи зарур: 1. Қалам ва сўзни муқаддас билиш, уни воситаи жоҳ этишдан сақланиш. 2. Ижод намунаси мукамал бадиийат билан бирга теран маънони мужассам этмоғи зарурлиги. 3. Бадиий асар Ҳақ ва ҳақиқат талабларига мувофиқ бўлиши. 4. Ижодкор ўз мустақил йўлидан юриши, тақлиддан сақланиши¹.

Маълумки, барча инсонлар қатори ижодкор оламни ўз сезгилари орқали идрок қилиб, кўрган-билганларидан хулосалар чиқаради, нутқнинг у ёки бу кўринишида акс эттиради. Бадиий матнда акс этган воқеа-ҳодиса ижод маҳсули сифатида жамиятнинг бадиий-эстетик эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг қуйидаги фикрлари ҳам эътиборга молик: «Бадиий яратилган дунёга келиши ҳам, унинг идрок этилиши ва таҳлил қилиниши ҳам одамларни ўраб турган борлиқдан кўра уларнинг тафаккур ва сезимлар тизими ҳамда кадрият ва эътиқод йўсинига кўпроқ боғлиқ. Негаки, бадиий яратилган ўзи ташқи табиат ёки борлиқнинг эмас, балки уларнинг ижодкор ички дунёсидаги инъикоси ўлароқ пайдо бўлади»².

Фердинанд дў Соссюр янги сўз муаммоси билан ҳам биринчилардан бўлиб шуғулланган тилшуносдир³. Сўз ижодкорлигини лексикологик, сўз

¹<https://uza.uz/uz/posts/ulu-bobokalonimizning-izhod-tabiati-va-izhodkor-tutumi-a-ida-06-02-2020>

²Йўлдош Қозоқбой, Йўлдош Мухайё. Бадиий таҳлил асослари. – Тошкент, 2016. – Б.75.

³Фердинанд дў Соссюр. Умумий тилшунослик курси. Француз тилидан И. Мирзаев таржимаси. / – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2016. – 144 б.

ясалиши, вазифавий-услугий, лингвопоэтик, прагматик, социолингвистик, психолингвистик, ономаσιологик ва лингвокультурологик аспектларда ўрганиш айнан шу даврдан бошланди. В.В.Тимофеев, В.П.Григорьев, М.А.Бакина, Н.П.Колесников, М.А.Петриченко, Э.И.Ханпира каби рус олимларининг тадқиқотларида сўз ижодкорлиги шеърий мисолида; В.Н.Виноградов, А.Е.Ефимов, Н.А.Богданов, В.П.Ковалев, М.Р.Напцок, Л.С.Метликина ва бошқаларнинг ишларида бадиий наср мисолида; И.В.Агаронян, И.А.Земская, В.В.Лопатин, И.С.Улукханов ва бошқаларнинг изланишларида сўзлашув нутқи мисолида; Т.В.Анисимова, С.В.Ильясова, З.К.Шовгенова ва бошқаларнинг изланишларида оммавий ахборот воситалари, публицистик материаллар мисолида ўрганилди.

Мазкур муаммо ўзбек тилшунослари¹ эътиборидан ҳам четда қолган эмас. Айниқса, Самарқанд услубшунослик мактабининг асосчиси, профессор Р.Қўнғуров² ҳамда унинг издошлари ўзбек тилида ижод қилувчилар тили ва услубига бағишланган ишларида муаллиф сўз ижодкорлигининг бир кўринишини окказионализмлар номи билан тадқиқ этганлар. Натижада, янги сўз ясалиши, сўз ижодкорлигига доир назарий асослар, янги ижодий ясалмаларнинг маълум ижодкорлар индивидуал услубини белгилашда тутган ўрни ҳамда тилнинг лексик қатламини бойитишдаги аҳамияти борасида бир қатор илмий изланишлар юзага келган. Тилшуносликда ижодкор индивидуаллиги, бадиий маҳорати ҳақида сўз юритганда тилшунос олим, профессор С.Каримовнинг меҳнатлари бекиёслигини таъкидлаш жоиз. Олим ўзбек тилшунослигида бадиий услубнинг функционал услублар доирасида тутган ўрнини илмий жиҳатдан асослаб бериш баробарида унинг ўзига хос хусусиятларини батафсил ёритиб берди.

Шунингдек, Б.Умурқулов, М.Ёқуббекова, С.Қораев, П.Қодиров, Б.Менглиев³ ва бошқа олимларнинг тил, услубга доир ишларида у ёки бу ижодкорнинг янги сўз яратиш билан боғлиқ изланишлари тадқиқ қилинган.

Маълум ижодкорнинг асарлари мисолида муаллиф сўз ижодкорлигини ўрганиш, ушбу адабий-лисоний воқелик таъсирида юзага келган

¹Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962; Абдурахмонов Х., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981; Миртожиев М. Окказионал маъно // Ўзбек тилшунослиги масалалари. ТошДУ Илмий ишлар тўп. 443. – Тошкент: Фан, 1973; Абдуллаева Л. Стилистическая дифференциация лексики художественной литературы: Дис. ...д-ра фил. наук. – Самарқанд, 1980; Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992; Шу муаллиф. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фанлари д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 1993; Тошалиева С.И. Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши: Фил. фан. номзоди дис. – Тошкент, 1998.

²Қўнғуров Р. А.Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» асарининг лексик ва стилистик хусусиятлари / ЎзДУ асарлари, янги серия, №1. – Самарқанд, 1956. – Б. 29-37; Қўнғуров Р. «Кечирилмас гуноҳлар» пьесасининг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар / СамДУ илмий асарлари, янги серия, № 77. – Самарқанд, 1958. – Б.81-92; Қўнғуров Р.Қ., Каримов С.А. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1984. – 100 б; Мухиддинов М., Каримов С. Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2003. – 36-91б.

³Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Қораев С. Тилимизни қашшоқлаштириб, ибтидоийлаштириб қўймайпмизми // Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2009, № 2. – 126-131 б.; Қодиров П. Тил ва эл. – Тошкент: Маънавият, 2010; Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Х., Қурбонова М. М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2009. <https://uz.denemetr.com/docs/769/index-313952-1.html?page=12>

бирликларнинг тил луғат бойлигини оширишдаги аҳамиятини чуқур англаш, муаллифлик сўзларининг юзага келиш сабабларини тадқиқ этиш каби муаммолар диссертация мавзусининг асосини ташкил этади. Айниқса, ўзбек тили сўзлигига теран нигоҳ билан муносабатда бўлган серқирра ижодкор Эшқобил Шукур ижоди мисолида муаллиф сўз ижодкорлигини тадқиқ этиш ишнинг сифат даражасини янада оширган.

Ишда тилимизнинг нозик имкониятлари лексик бирликлар воситасида юзага чиқиши бевосита ижодкор индивидуал услубига боғлиқ эканлигини Эшқобил Шукур ижоди мисолида асослашга уриндик. Эшқобил Шукур сўзнинг лексик, морфологик, қолаверса, этимологик жиҳатларига жиддий қарайдиган ижодкор. Унинг сўзга доир изланишлари натижаси ўларок, айниқса, сўзлар этимологиясига доир билимлари таъсирида асарларида сўзлар ўзига хос мазмун ифодалайди.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими **“Идиолект ва идиостил – индивидуал сўз ижодкорлигининг муҳим омили”** деб номланади. Антик давр олимларидан кейин европалик олимлар, хусусан, француз ва рус тадқиқотчилари шеърятни ўзига хос феномен сифатида ўрганиб келадилар. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамда ҳозирги рус ва ўзбек тилшунослари ҳам назм хусусиятларини ўрганиш тилшунослик учун диққатга молик эканини таъкидлайдилар. Чунки у оламнинг поэтик манзарасини акс эттиришнинг гўзал ва оригинал шаклидир ҳамда сўз ижодкорининг ифодаланаётган объектга муносабати ёрқинроқ намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда у ёки бу сўз санъаткори тилини идиолект ва идиостил тушунчаларисиз ўрганиш қийин. Чунки улар тил бирликларини таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш орқали бир лисоний шахс идиолектини бошқа лисоний шахс идиолектидан фарқлашга асосланади¹. Тилшуносликда **“идиолект”** ва **“идиостил”** тушунча/терминлари деярли истифода этилмайди. Шунинг учун ҳам диссертацион ишимизнинг талаб ва моҳиятидан келиб чиқиб уларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Лексикографик манбаларда **“идиолект (юнонча – идиос) – ўз, ўзига хос, алоҳида (диа) лект– тилнинг алоҳида олинган соҳага, нутқига хос шаклий ва услубий хусусиятлар мажмуи; тилнинг индивидуал кўриниши**² шаклида таърифланади. Идиолект – шахснинг индивидуал тили, мазкур тилнинг алоҳида олинган соҳиби, нутқи ва матнларининг мазмуний-услубий хусусиятлари йиғиндиси, умумхалқ тилининг индивидуал кўриниши. **Идиостиль** – бу ёзувчи ёки шоирнинг индивидуал муаллифлик услуби; бадий асарнинг нутқий хусусияти; услубиятнинг ўрганиш предмети. Идиостилни текшириш учун илк уринишлар XX аср ўрталарида лисоний шахс муаммоси билан шуғулланган Ю.Н.Тынянова, Н.Караулов ва В.В.Виноградовлар номи билан боғлиқ.

¹ Халаявина Д.В. Индивидуально-авторские новообразования в идиолекте В.Каменского: структурно-семантический и функционально-прагматический аспекты: Авто. дис. ...канд. филол. наук. – Боку, 2011. – С.19.

²Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва: Советская энциклопедия, 1969. – С. 165.

Концепт тушунчасига қисқача тўхталинадиган бўлса, илк марта 1928 йилда С.А.Аскольдованинг “Концепт ва сўз” номли мақоласида тилга олинган. Муаллиф концепт ҳақида қуйидагиларни ёзади: “бир турдаги предмет ҳақидаги фикрнинг ноаниқ кўплиги жараёнидаги фикрий ҳосила. Аммо “концепт” дастлаб “тушунча” сифатида қабул қилинган”¹. Дарҳақиқат, концепт бугунги кунда когнитив тилшуносликнинг асосий тушунчасига айланган. Замоनावий тилшуносликда мазкур терминга берилган айрим таъриф ва изоҳлар диссертацияда батафсил келтирилган. Шу ўринда А.Нурмонов, Н.Махмудов, М.Ҳақимов, Ш.Сафаров, Ў.Юсупов, Д.Ашурова, Д.Худайберганова ² каби ўзбек тилшуносларининг ҳам когнитив тилшуносликка доир қарашларида концепт тушунчасига турлича таърифлар берилганини кўриш мумкин. Жумладан, Д.Ашурова: «Концептнинг негизини айнан шу ўрганилаётган предмет ёки ҳодиса ҳақидаги билим ҳосил қилса, ифодаланишини эса тилнинг лексик, фразеологик, паремиологик каби воситаларининг мутаносиблиги ташкил қилади»³. Ш.Сафаровнинг фикрича, концепт тафаккур бирлиги бўлиб, унинг негизиде тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади⁴. Ў.Юсуповнинг бу ҳақдаги қарашлари шундай: “Концепт – бу ташқи ёки ички дунёдаги бирор нарса ёки ҳодиса ҳақидаги онгимиздаги билимлар мажмуаси, у ҳақидаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий ёки нейтрал баҳолашлардир”⁵.

Келтирилган илмий-назарий фикрлардан келиб чиқадики, ижодкор индивидуал услуби унинг ўзига хос тафаккур тарзи, кенг жабҳали билим даражаси ва оламни англашга интиладиган руҳий олами билан боғлиқ ҳолатда шаклланади, бу эса ижодкорнинг сўз бойлиги ва ифода концептларини когнитив таҳлил қилиш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Зеро, Эшқобил Шукур ижодида ҳам муаллифнинг идрокий билимларини акс эттирувчи концептлар ғоят муҳим роль ўйнайди. Шоир сўз маъносига янгича ёндашади, уни концептга айлантиради, ўз тафаккурида мавжуд воқеаларни сингдирган сўзларини кўп ишлатади. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Сариқ билан кўк ранг ўрталигидаги, барг ёки майса рангига эга бўлган ранг”⁶ сифатида изоҳланган “яшил” сўзи Эшқобил Шукур ижодида хилма-хил бадий ифодаларни берган:

Ям-яшил оҳанглар, ям-яшил сўзлар

¹ Аскольдов С. Концепт и слово // Русская словесность: антология/под ред. В.П. Нерознака. Москва, 1997. – С. 268.

²Нурмонов А, Ҳақимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. 3-сон, Б.41.; Махмудов Н. Ўзбек тилининг тараққиёти. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. 4-сон, 2002. – Б.5-7.; Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2001; Худайберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентриқ талқини: филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2015;

³Ашурова Д. Перспективы научных исследований в свете новых направлений лингвистики // Филология масалалари. – Тошкент, 2004. № 4.– Б.37.

⁴ Сафаров Ш. С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б.92.

⁵ Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультуреа атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида: Илмий амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011. – Б.49-56 .

⁶Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. IV жилд. – Тошкент: Ўзбекистон , 2020. – Б.126.

Мовий чексизликда яшил рақс тузар...¹

Юқоридаги мисраларда оҳанг, сўз, рақс сўзларига сифатлаш берган бу сўз шоирнинг бошқа шеърларида **туйғу, чанг, доғ, чимилдиқ, товус, ҳаво, қуш** каби нарса ва мавҳум маънони ифодаловчи сўзларга сифатлаш ўлароқ ишлатилиб, шеърнинг таъсирчанлигини таъминловчи бадий-эстетик вазифа бажарган. Шоирнинг “Ҳамал айвони” тўпламида қўлланилган **яшил туйғу** – *Яшил туйғулардан чайқаласан шод, Феврал ўтиб борар, яқинлашар март, // Яшил чимилдиқ* – *яшил чимилдиқнинг оҳори синди, Адирлар бевадай қолди мунгайиб, // яшил доғ* – *Иккимиз ялпизлар ичида эдик... Беомон ўрдилар уларни, Яшил доғлар қолди юзларимизда. // Яшил ҳаво* – *Тонг ҳурларин хушбўй нафаси – Ястанади ям-яшил ҳаво. // яшил қушлар* – *Тонг қизлари ям-яшил қушлар... // яшил ялов* – *Мен энди сўзласам – Яшил ялов кияр унут оятлар* каби мисолларда шу ҳолат кўзга ташланади.

Шунингдек, шоирнинг “Шайх Зуннун Мисрий” туркум шеърларида “яшил” сўзининг ўзига хос семантик ифодаларга эга эканлигини кузатамиз. Жумладан, “**Яшил ўлим**” шеърида “яшил” сўзи *байроқ, қуш* ва *ўлим* тушунчаларига аниқловчи сифатида қўлланилган:

Шайхнинг хазон куни баҳорлар келди,

Фалак яшил байроқ тусига кирди.

Кўк юзини тутди соясиз

Ниҳоясиз яшил қушлар ниҳоясиз...

Икки дунё аро тилим ва тили

Ястаниб ётарди ям-яшил ўлим («Ҳамал айвони», 210 б).

Умуман олганда, “яшил” сўзи Эшқобил Шукур бадий оламида энг ижобий сифатларни ўзида мужассам қилган, эзгулик, улуғликни акс эттирадиган концептга айланган. Кўринадики, шоир томонидан матнга киритилган ҳар бир сўзнинг ўз поэтик вазифаси, услубий салмоғи мавжуд. Демак, муаллифнинг янги сўзлари лексикология, сўз ясалиши ва коммуникатив йўналишларда ўрганилиши мумкин. Бадий матнларда қаҳрамон руҳияти тилда мавжуд тил бирликлари, услубий воситалар қатори янги сўзлар воситасида намоён бўлади. Китобхон бадий матн билан яқиндан танишар экан, янги сўзлар воситасида воқеалар гирдобига кириб боради, у билан бирлашиб кетади. Бадий матнда янги сўзларни қўллашдан кўзланган мақсад ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришлар, турли инсоний муносабатлар, табиат тасвири, воқеликнинг турли кўринишларига бадий либос кийдириш, ва шу орқали китобхонда маълум бир ҳис-туйғуларни уйғотиш, унга бадий-эстетик таъсир қилишдир. Шунинг учун бадий матнда қўлланилган янги сўзлар маълум вазифани амалга оширади. Идиолект ва идиостил тушунчаларининг лингвистик моҳиятини очиш муаллиф сўз ижодкорлигини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Ишнинг иккинчи боби “**Эшқобил Шукур шеъриятида сўз ижодкорлиги**” деб номланиб, ушбу бобнинг биринчи фаслида “**Эшқобил**

¹ Эшқобил Шукур. Ҳамал айвони. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 5 б. (Бундан кейин шу муаллифдан мисоллар олинганда, китоб номи ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

Шукурнинг янги сўзни намоён этиш маҳорати” таҳлил қилинади. Маълумки, муаллиф сўз ижодкорлиги турли сабабларга кўра хилма-хил кўринишларда юзага келади ва ҳар бир матнда ўзига хос бадий-эстетик вазифа бажаради. Эшқобил Шукур ўзбек тилининг бой имкониятларини англай олган ва ундан оний ҳиссиётларини мукамал, ёрқин ифодалашда ва теран тафаккур оламини сўз қобиғига ўраб, адабий манзара чизишда ҳассосият кўрсатган. Унинг турли мавзуларда яратилган шеърларида ўзбекча сўзлар нафақат жилоланади, балки ясалади, яратилади, нозик ифодалар билан халқ қалбига қайтадан кириб боради. Эшқобил Шукур бадий оламининг ўзига хослигини таъминловчи ижодкорлик сўзларини қуйидаги шартли гуруҳларга ажратдик:

шоир томонидан ясалган янги кўшма сўзлар (*товталаб, ҳазорталаб, дорталаб, озорталаб, соҳибкамол, соҳибистиқбол, учаргул, дурсулув, куйсулув*);

шоирнинг тилда мавжуд ясовчи кўшимчалардан ясаган ноодатий бирликлари (*ҳаводош, тупроқдош, хаёлдош, беркли, сўзбоз, пулбоз, ватанбоз, қўрчоқбоз, ватанламоқ, халқламоқ, суйгунчик, туркли, армонваши, ватанхўр, миллатхўр, хоинот, сочқи, кунги*);

шоир ижодига ўзига хос бадий жозоба билан кириб келган шева сўзлари (*кўкай, орбонгламоқ, чарнамоқ, тўдана, эланмоқ, бовир, чочмоқ, чўжа, ияртмоқ*);

шоир ижодида ўзи ифодалайдиган маъно нозикликларидан бошқа маъноларда қўлланган сўзлар (*зубаржад, давлар, дўнмоқ, рисолат, минқор, сим-сиёҳ, мазаллат, тарақ-тарақ, эмранмоқ, кунгира-кунгира, чироз, зирқилламоқ, билқилламоқ, чип, қуруқшоқ*);

тил сўзлигида учрамайдиган, аммо шоирнинг ижодида маълум маъно ифодалаган бирликлар (*сувайдо, сайгул, увуқ, татамламоқ, синсила-синсила, тўлпонмоқ, сулб, чангароқ, суйгул*);

ижодкорнинг бадий маҳоратини юзага чиқарган тарихий, эскирган сўзлар (*афлок, тақаддум, потини, чарновуқ, чўқмор, туроб, саноч, гиря*);

шоир шеърлятида маҳорат билан ишлатилган ўзлашма сўзлар (*сарбасар, саржин, пошикаста, сайрон, тирамоҳ, сахтиён, тараҳҳум, сўзона, баргерезон, сак, мор*).

Тилшунослар фикрича, ижодий ясалма фақатгина ижодкорнинг тафаккурий эврилишларини акс эттирувчи мантиқий белгигина эмас, балки ифодалилик ва экспрессивликни таъминловчи восита сифатида ҳам юзага чиқади. Айнан шу жиҳати билан ўқувчиларда қизиқиш уйғотади. Нафосат, илҳом, нозик ҳиссиётларга тўла сўзлардан яралган “Ойдин қайғу” шеърлида ҳам муаллифнинг қофиядош сўз ишлатишда шоирона дид билан ёндашганини кўришимиз мумкин:

Ўн олти ёшимнинг диёрларида

Қизгин шафақларни кийган кунсулув,

Тунларнинг сим-сиёҳ дарёларига

Дарё сочларини чайган тунсулув («Ҳамал айвони», 102 б).

Шеърда қофиядошликни таъминловчи барча сўзлар *гулсулув, дурсулув, куйсулув, жонсулув, руҳсулув* тарзидаги луғатларда маъноси айнан изоҳланмаган ижодий ясалмалар билан ифодалангани қалам соҳибининг муаллифлик сўзларини ишлатишдаги характерли усулларида биридир. Эшқобил Шукур асарларида муаллиф сўз ижодкорлиги асосида яратилган бирликлар, асосан, шеърларининг қофиясида ишлатилади, яъни шоир учун қофия – бу муаллифлик сўзини тизимли (семантик, ритмик ва фонетик) ажратиб кўрсатиш ва ўринлаштириш усули.

Муаллиф сўз ижодкорлигининг типологиясини ўрганиш жараёнида шоир муаллифлик сўзларини кўпроқ ундалма вазифасида қўллаши кузатилади. “Ораликларда” шеърда муаллифлик сўзлари мураккаб ундалма вазифасида уюшиб келгани матн қурилишига ҳам алоҳидалик бахш этган:

*Кўнглим сувайдоси, кўзим сайгули,
Заҳри ҳам новвотей, чашми қиймочим,
Куйган устихонда ўстирган гулим
Олам: “вижир-вижир”, мен: - “ҳажр-ҳажр”,
сен – қалдирғочим («Ҳамал айвони», 71 б).*

Шеърда маҳорат билан ишлатилган мурожаат birlikларига диққат қилинса: “сувайдо” “юрак ичидаги қора нуқта”, “сайгул” эса “сайлаб олинган гул” маъносида ишлатилгани маълум бўлади. Ана шу мулоҳазаларга таяниб айтиш мумкинки, Эшқобил Шукурнинг сўз ижодкорлигини унинг сўзлар этимологиясига доир илмий-ижодий изланишларидан айри ҳолда ўрганиб бўлмайди.

